



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI BOG‘OT  
TUMANI HOKIMINING  
QARORI**

**Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy**

2021 -yil 28 - Iyul

130 -son

**Bog‘ot shaharchasi**

Фуқаро Раҳмонов Ибрагим  
Ражабовичнинг турар жой биносига  
бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб  
бериш тўғрисида

Боғот тумани “Меҳнат гули” маҳалласида яшовчи фуқаро Раҳмонов Ибрагим Ражабовичнинг “Меҳнат гули” маҳалласида жойлашган турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2020 йил 11 ноябрдаги ХО-Р-3171-сонли аризасини, “Меҳнат гули” маҳалласи фуқаролар йиғинининг маълумотномасини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат корхонаси Боғот туман филиалининг 2020 йил 29 августдаги 3079-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролик кодекси”нинг 187-моддасига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20-январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

**Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:**

1. Боғот тумани “Меҳнат гули” маҳалласида жойлашган 10 (ўн) та хонадан иборат, яшаш хоналари 3 (уч)та бўлиб, ички ўлчами 67,20 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 7 (етти)та бўлиб, ички ўлчами 115,61 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 182,81 квадрат метр, қурилиш ости майдони 278,0 квадрат метр, умумий ер майдони 1300,0 квадрат метр ушбу турар жой биносига нисбатан фуқаро Раҳмонов Ибрагим Ражабовичга мулк ҳуқуқи асосида унга эгалик ҳуқуқи белгилаб берилсин.

2. Фуқаро Раҳмонов Ибрагим Ражабовичга ушбу турар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши, қўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширганда Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Фуқаро Раҳмонов Ибрагим Ражабовичга ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Куръязов зиммасига юклатилсин.

• **Боғот тумани ҳокими  
вазифасини бажарувчи**



**Ш.Яхшибаев**